

МУЛЛА АЛИ АЛ-ҚОРИНИНГ УСТОЗ ВА ШОГИРДЛАРИ

Усманов Мухторжон Турсунали ўғли

Мустақил тадқиқотчи

Алломанинг илм чўққиларини забт этишда унга таълим берган уламоларнинг хизматлари таҳсинга сазовордир. Маълумки, Марказий Осиёда аҳолиси асосан ҳанафий мазҳабига амал қилиб келган. Ал-Қорий таълим олган устозлар ҳақида тўхталиб ўтсак. Аллома ҳам шу диёрда вояга етган ва шу анъанани ўзига сингдирган. У Мовароуннахр уламоларининг илмий мактабини ўтади. Сўнг илмий сафар уюштириб, кўплаб араб юртларида бўлди ва охири Макка шаҳрида бутунлай истиқомат қилиш учун қолди. Араб диёрларида эса бошқа уч мазҳабнинг вакиллари билан учрашиб, улар билан илмий мунозаралар қилди, уларга ўргатди ва улардан ўрганди.

Али ал-Қорий дастлабки билимини она юрти Ҳиротда ўз даврининг етук олимларидан олади. Қуръони карим ва тажвид илмини Ҳирот шаҳри жомеъси шайхларидан бири бўлган Қори Муъиниддин ибн Хофиз ал-Харавийдан ўрганади. Алломанинг қаламига мансуб «Рисалат самм ал-кавариз фи замм ар-равофиз» номли 52 мактубни ўзида мужассамлаштирган мажмуада юқоридаги фикрни таъкидлаб шундай дейилади:» Қироат илмидаги марҳум устозим Муъиниддин ибн Хофиз Зайниддин гўзал қироат соҳибидан эдилар»¹.

У диний илмлар мажмуаси - ҳадис, тафсир, фикҳ ва қироат илми бўйича катта шуҳратга эга бўлганига юқорида гувоҳ бўлдик. Мазкур илмларни мукаммал эгаллашида ва ўз даврининг етук олими даражасига етишида шубҳасиз, устозларининг хизмати бениҳоя катта бўлган. У ўз юрти Ҳиротда бўлганида ҳам, ўзга юртларда бўлганида ҳам ўз даврининг машҳур уламоларидан таълим олган, ҳамма жойда олим ва фозиллар даврасидаги илмий учрашувларда қатнашган ва муттасил равишда ўз илмини оширишга ҳаракат қилган.

Қуръони карим илмини мукаммал тарзда ўрганишни Макка шаҳридаги буюк қорилар хомийлигида ҳам давом эттирди, шунингдек, уни қисмларга ажратиб ёдлаш ва етти қироатда ўқишни аъло даражада давом эттириб «ал-Қорий» номи билан машҳур бўлди.

Олим Қуръони каримни барча туруқлари, етти қироат ўқиш бўйича таълим

¹Али ал-Қорий. Мирқот ал-мафотих шарҳ Мишкот ал-масобих. – Қоҳира: Дор ал-кутуб ал-исломий, 1966. Ж.1. – Б.7.

олган устозлари ҳақида ўзининг «ал-Минах ал-фикрия ало матн ал-жазария» асари охирида шундай дейди: «Қуръони каримни етти қироатларни ўрганиш ва тадқиқ қилишдаги устозларим бу соҳадаги машҳур қорилар ва буюк шайхлардир, қолаверса, ушбу йўналишдаги билимимни (ижозани) Мадинаи Мунавваранинг имом хатиби Маккадаги ўз асрининг тенги йўқ олими ва қироат илмининг машҳур шайхи, устозим Сирожиддин Амр ал-Яманий аш-Шофийдан олганман»².

Сирожиддин Амр ал-Яманий (ижозани) эса аллома Муҳаммад ибн ал-Қаттондан олган. У зот, Шайх Зайниддин Абду-л-Ғани ал-Ҳайсамий ал-Мисрийдан олган.

Абду-л-Ғаний ал-Ҳайсамий, (ижозани) қориларнинг тожи ва буюк муҳаддис Шайх Шамсиддин Муҳаммад ибн Муҳаммад ал-Жазарийдан олганлар³.

Али ал-Қорий «Мирқот» асарининг асли «Мишкот ал-масобих» ҳадисларининг Аллома ўз устозларидан қай йўл билан олган ижозаларини қуйдагича келтиради;

1. Аллома, Муҳаммад Али ибн Аҳмад ибн Солим ал-Жаноний ал-Азҳарий ҳомийлигида Шайх Жалолиддин Суйютийнинг Имом Бухорий, Муслимлар ва қолган олти саҳиҳ (сиҳоҳи ситта) машҳур муҳаддислар ёзган китобларини ўқигани, Шайх Қасталонийнинг Бухорий ривоятига ёзган шарҳлари билан танишиб чиққанлиги ва «Мишкот ал-масобих» шу мавзудаги кўплаб суҳбатларда иштирок этиб ижозалар олганини таъкидлаб ўтади⁴.

2. Муҳаммад Али ибн Аҳмад ибн Солим ал-Жаноний ал-Азҳарий, (ижозани) Шайх Жалолиддин Суйютийдан олган.

3. Шайхул Ислом Жалолиддин Суарйютий, (ижозани) ибн Ҳажар Асқалонининг⁵ буюк шогиртларидан Шайх Қасталонийдан олганлар⁶.

² Али ал-Қорий. Ал-Минах ал-фикрийа ала матн ал-жазария – Миср: ал-Азҳар, 1966. – Б.5.

³ Али ал-Қорий. Мирқот ал-мафотих шарҳ Мишкот ал-масобих. – Қоҳира: Дор ал-кутуб ал-исломий, 1966. Ж. 1. – Б.6.

⁴ Али ал-Қорий. Мирқот ал-мафотих шарҳ Мишкот ал-масобих. – Қоҳира: Дор ал-кутуб ал-исломий, 1966. Ж. 1. – Б.13-14.

⁵ Аҳмад ибн Али ибн Ҳажар ал-Асқалоний. Ҳадйу ас-Сарий муқаддима Фатҳ ал-Борий. Байрут-Ливан: Дор ал-кутуб ал-илмий, 2000. – Б. 648.

⁶ Али ал-Қорий. Мирқот ал-мафотих шарҳ Мишкот ал-масобих. – Қоҳира: Дор ал-кутуб ал-исломий, 1966. Ж. 1. – Б.15.

4. Шайх Қасталоний шундай ривоят қиладилар: «Мишкот ал-масобих» китобини энг ишончли санад ила, Мавлоно Аш-шаҳир Бимийр Калондан ижоза олганман»⁷

5. Аш-шаҳир Бимийр Калон эса (ижозани) муҳаққиқларнинг пешвоси Шайх Мирк Шохдан олганлар.

6. Шайх Мирк Шох, (ижозани) ўз оталари, муҳаддисларнинг саййиди Мавлоно Жамолиддиндан ижозани олганлар.

7. Мавлоно Жамолиддин (ижозани) ўз амакиси ас-Саййид Аслиддин аш-Шерозийдан олганлар. аш-Шерозий, қориларнинг тожи ва буюк муҳаддис Шайх Шамсиддин Муҳаммад ибн Муҳаммад ал-Жазарий ва соҳиби Қомус Шайх Мажиддин Феруз Ободийдан таълим олганлар⁸.

8. Аслиддин аш-Шерозий, (ижозани) Мавлоно Шарофиддин ал-Жироҳийдан олганлар.

9. Шарофиддин ал-Жироҳий, (ижозани) Миллатнинг имоми Али ибн Муборак Шох ас-Сидқийдан олганлар⁹.

10. Али ибн Муборак Шох ас-Сидқий, (ижозани) муаллиф «Хатиб ал-Умарий ат-Табризий (ваф.741/1340) томонидан ёзилган «Мишкот ал-масобих» асарини энг ишончли санад билан олган. Ўз навбатида ат-Табризийнинг «Мишкот ал-масобих» асари ҳам Имом ал-Бағавийнинг (тав.436/1044 ваф.516/1122 й.) қаламига мансуб бўлган «Масобих ас-сунна» тўплами асосида ёзилган асардир¹⁰.

Али ал-Қорий Макка шаҳрида ҳадис илмидан ҳам сабоқ олди. Унга ҳадис илми сирларидан таълим берган шайхлардан Макка шаҳри муфасссири ва фақиҳи Шайх Зайниддин Атиййа ибн Али ибн Хасан ас-Суламий ал-Маккийни (ваф. 983/1575 й.) келтиришимиз мумкин. Али ал-Қорий «Мирқот ал-мафотих» китобининг муқаддимасида ас-Суламий ҳақида гапириб, шундай дейди: «Ушбу асарнинг асоси ҳисобланмиш «Мишкот ал-масобих» китобини Макка шайхларидан бўлган, ўз илми билан замонасининг кўзга кўринган олими ва Шайхул ислом Мавлоно Абул Ҳасан ал-Бакрийнинг шогирди Мавлоно Аллома Шайх Атиййа ас-Суламийда ўқидим ва тафсир бўйича силсилани шу зотдан олганман»¹¹.

Дарҳақиқат, Саййид Муҳаммад Абул-Хасан ибн Жалолиддин Муҳаммад Абул-Бақо ибн Абдурраҳмон ибн Аҳмад ал-Бакрий ас-Сидқий аш-Шофеъий

⁷ Ўша асар. – Б.16.

⁸ Ўша асар. – Б.21.

⁹ Ўша асар. – Б.23.

¹⁰ Ўша асар – Б.24.

¹¹ Ўша асар.– Б .4.

даврининг машхур шайхларидан бўлиб, тафсир, ҳадис, фикҳ ва тасаввуф илми бўйича йирик олим бўлган ва бу йўналишларда кўплаб асарлар ёзган. Ўз навбатида Али ал-Қорий Абул Хасан ал-Бакрийдан ҳам ҳадис ва тафсир илми бўйича сабоқ олган ва унинг шогирди бўлган ¹².

Булардан ташкари, буюк устозларидан Саййид Закариё ал-Хусайнийдир. Ал-Хусайний, аллома Мавлоно Исмоил аш-Шарвонийнинг шогирди. Исмоил аш-Шарвоний эса Хожа Абайдуллоҳ Аҳрор Валий ас-Самарқандий ан-Нақшбандийнинг¹³(1404-1490) шогирди бўлган. Буюк муҳаққиқлардан Абул Аббос Шаҳобиддин Аҳмад ибн Хиҷр ал-Хайсамий ал-Ансорий ал-Маккий¹⁴, Ҳижознинг Шайхи Абдуллоҳ ас-Санадий (ваф.996/1588й.)¹⁵, Шайх Али ибн Хисомиддин ал-Муттакий (ваф.975/1567), Шайх Миркилон, шунингдек, Макка шаҳрининг муфтийларидан Шайх Қутбиддин ал-Маккий¹⁶ ва Бадриддин аш-Шаҳовий ал-Ҳанафий, Шайх Муҳаммад ибн Абу-л-Хасан ал-Бакрий ал-Мисрий (ваф.994/1586 й.) ¹⁷ Юсуф ибн Абдуллоҳ ар-Румийлар каби араб ва ажамлар орасида катта ҳурмат-эътиборга эга бўлган уламолардан фикҳ, тафсир, кироат илми ва бошқа бир қанча диний билимлардан таҳсил олишга муяссар бўлди¹⁸.

Али ал-Қорий ноёб заковат, ўтқир зеҳн, нозик фаҳму фаросат ва комил ақл соҳиби бўлган. Илм олиш йўлида унга дуч келган барча машаққатларни сабр ва матонат билан енгиб ўтган. Алломанинг юқорида номлари зикр қилинган барча устозлари ишончли силсила орқали келаётган илм соҳиблари бўлишган. Алломага мана шундай етук устозлардан илм олиш насиб этган.

Фойдаланиган манба ва адабиётлар

1. Али ал-Қорий. Мирқот ал-мафотих шарҳ Мишкот ал-масобих. – Қоҳира: Дор ал-кутуб ал-исломий, 1966. Ж.1. – Б.7.
2. Аҳмад ибн Али ибн Ҳажар ал-Асқалоний. Ҳадйу ас-Сарий муқаддима Фатҳ ал-Борий. Байрут-Ливан: Дор ал-кутуб ал-илмий, 2000. – Б. 648.
3. Маржоний. Вофиёт ал-аслоф. ЎзФАШИ, тошбосма, инв. № 6391. – Б. 67.

¹² Ўша асар.– Б. 5.

¹³ Ўша асар.– Б.6.

¹⁴ Ўша асар.– Б. 8.

¹⁵ Ўша асар.– Б .9.

¹⁶ Ўша асар.– Б .11

¹⁷ Али ал-Қорий. Мирқот ал-мафотих шарҳ Мишкот ал-масобих. – Қоҳира: Дор ал-кутуб ал-исломий, 1966. Ж. 1. – Б.13.

¹⁸ Маржоний. Вофиёт ал-аслоф. ЎзФАШИ, тошбосма, инв. № 6391. – Б. 67.